O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 30 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 42 (7341)

**Da'vat**

***Муваффақиятли тарбиянинг сири — ўқувчига ҳурматда.***

**Ральф ЭМЕРСОН**

**Ibrat**

***Варшавада Жаҳон тиббиёт академиясининг "XXI асрга инсонпарварлик ва тинчлик ғоялари билан" шиори остида ўтган навбатдаги симпозиумида ўзбек олими, Бухоро Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Раҳмат Аҳмедовга олтин медал топширилди.***

# МАЪРИФИЙ-МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ — БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

***Маълумки, кейинги пайтда мамлакатимизда маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари даражасига кўтариш масаласига муҳим аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Хотира ва қадрлаш куни бир гуруҳ ижодкорлар билан бўлган учрашувда ҳамда яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида бу борада ижодкор зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат намояндалари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турганига эътиборимизни қаратган эди.***

Миллий матбуот марказида ижодий уюшмалар, илм-фан, маданият ва маънавият, таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари, ёшлар ҳаракати фаоллари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида маърифий-мафкуравий тарбия ишларини янада такомиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ана шу вазифалар асосида ташкил этиш масаласига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва З.Ҳусниддинов истиқлол йилларида маърифий-мафкуравий соҳада кўпгина ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтишди. Хусусан, халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этган миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиб, уларни халқимиз, энг аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. "Миллий истиқлол ғояси" фани таълим тизимига жорий этилаётгани жамиятимиз тафаккурида туб янгиланишлар юз бераётганидан далолатдир.

Лекин бугун замон, давр, жаҳоннинг геополитик харитаси, минтақамиздаги мафкуравий жараёнлар тез ўзгармоқда. Турли ёвуз кучлар ва қабиҳ ниятли марказлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун турли усулларни ишга солмоқда. Ёшларимизга, келажагимизга таҳдид солиб турган бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун ижодкор зиёлилар, фан ва маданият намояндалари, бутун халқимиз қатъий кураш олиб бориши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Анжуман иштирокчилари бундай мураккаб шароитда бугунги сиёсатимизнинг моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар жараёнини, янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Баҳс-мунозара руҳида ўтган анжуманда юртимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тарғиб этишда баъзан кампаниябозлик, хўжакўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани танқид қилинди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, миллий истиқлол ғоясини обрўсизлантирмаслик, уни юксак маърифат билан, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб этиш зиёлиларимизнинг асосий бурчи экани қайд этилди.

Бинобарин, маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг мезони, аввало, халқимизнинг умид-ишончи ва таянчи бўлган ёшлар тарбияси, уларнинг ҳаётга, эл-юртга муносабатига ўтказадиган ҳаётбахш таъсири билан белгиланади.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик, тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия — бу ҳаёт-мамот масаласи эканини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни огоҳ этиш зарур.

Анжуманда замонавий қаҳрамон образини яратиш маърифий-мафкуравий ишнинг муҳим бир қисми эканига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан "Ижтимоий фикр" марказининг раҳбари Р.Убайдуллаева, Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий ходими Н.Умарова, Файласуфлар миллий жамияти раиси Қ.Назаров, шоир А.Суюн, филология фанлари доктори, профессор Н.Маҳмудов, кинорежиссёр Ю.Розиқов, Ўзбекистон халқ артисти М.Абдуқундузов, журналистлар Б.Ҳасанов, А.Ғуломов, ёш шоира, Зулфия мукофотининг соврindori Г.Асқарова, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг раиси муфтий А.Баҳромов, ёзувчи О.Мухторов маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндаларининг мамлакат жамоатчилигига мурожаати қабул қилинди.

**(ЎзА).**



# 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

# БАРЧАМИЗ БУРЧЛИМИЗ

## Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндаларининг мамлакат жамоатчилигига мурожаати

Азиз дўстлар, ватандошлар!

Бундан 10 йил муқаддам халқимизнинг асрий орзуси сифатида қўлга киритилган мустақиллик ўзлигимизни англаш, қадр-қимматимизни тиклаш, келажагимиз эгаси бўлган жондан азиз фарзандларимизга озод ва обод Ватан қолдириш, уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш имконини берди. Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш жамият ҳаётининг устувор мақсадига айланди.

Юртимизда таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани, замонавий лицей ва коллежлар бунёд этилаётгани, янги-янги олий ўқув юртлари очилаётгани, истеъдодли ёшларнинг хориждаги нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, халқимизнинг азалий орзу-интилишларини ўзида мужассам этган миллий истиқлол ғоясининг таълим тизимига жорий этилаётгани, мухтасар қилиб айтганда, навқирон авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани барчамизни қувонтирмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Биз ҳаётнинг маъно-моҳияти, умрнинг мазмунини юксак эътиқодли, теран билимли, оқил фарзандларимиз тимсолида кўрамиз. Фарзанд Оллоҳ таоло томонидан инсонга ато этилган энг азиз ва лазиз неъмат. Фарзанд - одамзод учун кўзнинг нури, ҳар бир ота-онанинг суянчи ва таянчидир. Бу фоний дунёдан ўтсак, ўрнимизни босадиган, чироғимизни ёқадиган ҳаётимиз давомчиси ҳам яхши умид билан ўстираётган ўғил-қизларимиздир.

Бинобарин, уларни ҳаёт сўқмоқларидан эсон-омон олиб ўтиш, шиддаткор замоннинг бўрону тўфонларидан ҳимоя қилиш, диний ақидапарастлик, терроrчилик, гиёҳвандлик каби зарарли таъсир ва оқимлардан асраш, тўғри йўл кўрсатиш мана шу юрт эгаси бўлган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Айниқса, бутун дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш кескинлашган ҳозирги даврда бу борада бепарволикка, лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги ҳаёти, жумладан, бизнинг келажак тақдиримиз ҳам ана шу курашда қандай ғоя, қандай дунёқараш устун келишига боғлиқ.

Биз, мамлакат ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндалари, шуни назарда тутиб, Президентимизнинг доимо огоҳ бўлиш, маънавий-мафкуравий тарбия ишларини тўғри ташкил этиш борасидаги фикр-мулоҳазаларига асосланиб, юртимиздаги барча ота-оналарга, меҳрибон опа-сингилларимизга, устоз-мураббийлар ва маҳалла фаолларига, бутун жамоатчиликка мурожаат қилмоқдамиз.

Биз мафкуравий жараёнлар, тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари ғоят муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги кунда жамиятимизда, юртдошларимиз, айниқса ёшлар ўртасида давлат сиёсатимизнинг моҳиятини, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлидаги олижаноб интилишларимизни, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу ғояларимизни ҳар томонлама теран тушунтириб боришимиз зарур.

Бу биз — ёзувчи-шоирларнинг, илм-фан ва санъат аҳлининг, барча ижодкор зиёлиларнинг биринчи галдаги вазифамиздир. Шуни очиқ тан олишимиз керакки, яратилаётган кўп-кўп имкониятларга қарамай, биз мафкуравий кураш жараёнида, ёшлар тарбияси масаласида, бунёдкорлик ғояларини бадиий тараннум этишда сусткашлик ва саёзликка йўл қўймоқдамиз. Сўзнинг сеҳридан, санъатнинг эстетик таъсир кучидан, кино ва телевиде-ниенинг катта имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз.

Афсуски, бугунги кунда мафкура, тарғибот ва ташвиқот керак эмас, деган нотўғри хулоса билан яшаётган одамлар ҳам учраб турибди. Бундай қарашларга нисбатан бизнинг муносабатимиз аниқ ва қатъий бўлмоғи лозим: биз бирёқлама, муайян сиёсий гуруҳ манфаатларинигина ифода этадиган коммунистик мафкурани, ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларини рад этамиз. Аммо биз халқнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, жамиятда тараққиёт, фаровонлик, дўстлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби олижаноб ғояларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган соғлом мафкура тарафдоримиз.

Ана шу ҳақиқатга асосланган ҳолда, мамлакатимизга турли ғоявий таъсирлар босим ўтказишга уринаётган ҳозирги бурилиш даврида ҳар бир юртдошимиз ўз-ўзига шундай кескин савол бериши керак: "Биз бутун инсоният, эркин дунё фаровон яшаётган йўлдан борамизми ёки алмисоқдан қолган эски тушунчаларга, маҳдудликка берилиб, ўз қобиғига ўралиб яшайдиган жаҳолат замонига қайтамизми? Эртага боламнинг тақдири нима бўлади, унга ким эгалик қилади? Қариган, кучдан қолган чоғимда у ёнимга кириб, мадад бўладими ёки қандайдир оқимлар таъсирида мендан тониб, оқпадарлик билан мозоримни оёқости қиладими?"

Бугун масалани ана шундай кескин тарзда қўйиш вақти етди.

Аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, бу ҳақиқатни чуқур англаб етмаган, ҳамон ғафлат уйқусидан уйғонмай, мудраб яшаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Шуни унутмайликки, ҳеч ким четдан келиб бизнинг бирор муаммомизни ҳал қилиб бермайди, фарзандларимизни тўғри йўлга бошламайди. Аксинча, бу жараёнга ташқаридан аралашадиганлар фақат ўзининг ёвуз ва ғаразли таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади.

Шунинг учун ўз фарзандларимизни фақат ўзимиз тарбия қилишимиз, уларнинг ёт кучлар таъсирига тушиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз даркор.

Ғаразли мақсадлар, ёвуз ниятларга эришиш учун зарарли ғоялар ва турли сиёсий марказларнинг катта маблағларига таяниб иш кўрадиган бундай вайронкор кучлар ҳаётимизнинг энг нозик ҳалқаси — униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз ҳаётига зарба бермоқчи. Турмушнинг аччиқ-чучугини кўрмаган, оқ-қорани таниб улгурмаган, дунёқараши шаклланмаган, ҳали иродаси бўш ёшларимизни йўлдан уриб, тинчимизни бузмоқчи, ҳар бир уй, ҳар бир хонадонга диний адоват уруғини сочмоқчи.

Шунинг учун ҳам биз бугун тарбия масаласига улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтгандек, "Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир", деб қатъият билан қарашимиз керак.

Азиз юртдошлар!

Бугунги шиддатли давр ёш авлоддан замонавий билимлар, юксак технологияларни чуқур эгаллаган ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ўз тарихи, аждодларининг бой мероси ва муқаддас анъаналарига садоқат билан яшашни талаб этмоқда. Инсоннинг ўз эл-юртига, оиласига, аждодлари руҳига садоқати айнан ҳозирги синов пайтларида билинади.

Шундай экан, ким ўтли сўзи, ким сеҳрли мўйқалами, ким ўзи яратган, ёшларга ибрат бўладиган замонавий қаҳрамонлари билан - барчамиз куч-ғайратимизни, ҳаётий тажрибамизни, бор имкониятимизни маънавий-маърифий янгиланиш жараёнини янада кучайтиришга, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз тарбиясига сафарбар этишимиз лозим. Бу бизнинг нафақат ижодий, балки, аввало, инсоний бурчимиздир.

Биз — ижодкор зиёлилар, илм-фан намояндалари мамлакатимиз жамоатчилигини мана шу ҳақиқатларни чуқур англаган ҳолда, бугунги маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш йўлида янада фаол бўлишга чақирамиз. Токи кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимиз ҳар томонлама етук, билимдон, иймон-иродаси бақувват, ўз юртининг ҳақиқий фидоийси бўлиб камол топсин, биз бошлаган ижобий ишларнинг муносиб давомчилари бўлсин.

**26 май куни**
**Тошкент шаҳрида қабул қилинган.**




# БОҒЧА-МАКТАБ МАЖМУАСИДАГИ ТАЖРИБАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи вазифалари ижроси сифатида Қашқадарё вилоятида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган "Нодирабегим" боғча-мактаб мажмуасини мустақиллигимизнинг илк меваларидан бири деса бўлади. Мажмуада 2 ёшдан 17 ёшгача бўлган фарзандларимиз узлуксиз таълим-тарбия оладилар. Боғча-мактаб мажмуасида амалга оширилаётган ишлар соғлом, баркамол, эркин шахсни тарбиялашга йўналтирилган ва бунинг учун ҳар томонлама шароитлар яратилган.

Мажмуада соғломлаштириш ва чиниқтириш ишларини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Соғлом авлодни вояга етказиш давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда мажмуада болаларни соғломлаштириш ва чиниқтириш, уларда учраб турадиган касалликлар олдини олиш мақсадида қулай шароитлар яратилган.

*Физиотерапия даволаш хонаси* замонавий тиббий асбоблар: тубус, УВЧ, электрофарез, ЛКУФ, солюкслар билан жиҳозланган. Касалга тез чалинувчи боғча ва мактаб болалари шу асбоблар ёрдамида даволанадилар ва шунинг учун ҳам охирги икки йилда шамоллаш касалликлари кескин камайди.

*Тиш даволаш хонасида* шифокорнинг мунтазам назорат қилиб бориши натижасида болаларда кўп учрайдиган тиш касаллигини олдиндан даволаш имконияти яратилди. Авалги йилларда 178 та тиши касалланган бола қайд этилган бўлса, охирги йили бу кўрсаткич 77 тага тушди.

*Соғломлаштириш хонасида* болани соғломлаштириш, касалликнинг олдини олиш мақсадида иридодиагностика усулларидан фойдаланилади. Бу усул болани 5 ёшдан кўз қорачиғини ўрганиб, унинг танасидаги наслий касалликни, кейинчалик касалланиши мумкин бўлган аъзоларини аниқлаб беради. Бу ҳақда ота-оналарга маълумот берилиб, касалликнинг олдини олиб, бартараф этиш учун керакли маслаҳатлар берилади. Ноанъанавий усуллардан яна бири гомеопатиядир. Гомеопатик воситаларини оддий кимёвий дори дармонлардан, болани танасига мутлақо зарарсизлигини ва даволашда ўта юқори самарадорлигини сезган ҳолда бу усулни республикамиз бўйича биринчи маротаба амалиётда қўллашга эришилди.

*Психолог хизмати* ташкил қилинган. Психолог янги келган болалар билан иш олиб бориш билан бир қаторда боғча ва гимназия болаларининг турли муаммоларини ечишга ёрдам беради. Бола руҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ўтказади, жумладан, болаларнинг хавотирланиш даражасини аниқлаш учун анкеталар тузиб, кейинчалик шифокорлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

*Кундузги стационарда* бетоб бола кун давомида шифокор ва ҳамшира назоратида бўлиб, барча тиббий муолажаларни олади.

**(Давоми 3-бетда)**

**Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар** *2-бет*

**Оромгоҳлар мавсумга шайми?** *2-бет*

**Аҳлоқ-одоб ва шарму ҳаё зикрида** *2—3-бет*

## JUMLADA JAHON

**● 15 йилдан буён Россияда ўтказилаётган илмий анжуманларда фаол қатнашиб келаётган Самарқанд Давлат тиббиёт институти талабалари бу йил 40 та институт иштирок этган Бутунроссия илмий конференцияда биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал ва биринчи даражали дипломга сазовор бўлди.**

**● АҚШ фазогири Патрия Хильярд Робертсон машғулот пайтидаги авиаҳалокат оқибатида ҳалок бўлди, у билан бирга бўлган учувчи Рой Адамснинг аҳволи эса, оғир.**

**● Буюк Британиянинг Олдем шаҳрида ёшлар ва полиция ўртасидаги тўқнашувлар ҳукуматининг муаммоларга бефарқлиги сабаб кучайиб бормоқда.**

**● Терроrчилик ҳаракатлари содир этганликда айбланган Аҳмад Рессам иши бир вақтнинг ўзида АҚШ ҳамда Франция суд жараёнларида кўриб чиқилиб, Лос-Анжелес федерал суди ҳукми билан 33 йиллик, Париж маҳкамаси қарори билан 5 йиллик қамоқ жазосига лойиқ, деб топилган.**

**● Собиқ Россия раҳбари Б.Ельцин Цзян Цзэминнинг меҳмони сифатида Хитойга ташриф буюрди ва унинг ташрифдан мақсади Хитой халқ табобати усулларида даволаниш эканлиги ҳақида хабарлар тарқаган.**

**● Ҳозирга келиб Россия ўрмонларида содир бўлаётган ёнғин 1 миллиард гектар ерни ўз домига тортган бўлиб, шундан 22 фоиз майдон жаҳон захирасига тегишли яшил бойлик ҳисобланади.**

*Айни шу кунларда оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, болаларни кутиб олиш учун барча зарур асбоб-анжомларни тахт қилиб қўйиш барча мутассаддиларнинг энг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак.*

*Куни кеча Тошкент шаҳридаги 23-мактаб битирувчилари ҳам тенгдошлари ташаббусларини қўллаб-қувватлашди, яъни улар 100 дан ортиқ бадиий китобларни мактаб кутубхонасига совға тариқасида тақдим этишди.*

Hay'at majlisida

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

***Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлисида таълим жараёнига ўқитишнинг янги педагогик технологияларини жорий қилиш ишларининг аҳволи ва бу борадаги навбатдаги вазифалар ҳақидаги масала Бухоро вилояти таълим муассасалари мисолида кўриб чиқилди. Уни ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Рисбой Жўраев олиб борди.***

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш вазифаларидан бири таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлашдан иборат.

Аввалги алмисоқдан қолган ўқитиш технологияси асосан "ўқитувчи-ўқувчи" тарзида умумий характерда бўлиб, унда ўқувчига таълим жараёнининг объекти, яъни пассив иштирокчиси сифатида қаралади. Ҳозирги замонда ўрганиладиган билимлар миқдори шунчалик кўпки, уларни дарсликка ҳам сиғдириб бўлмайди, ўқитувчи ҳам дарс жараёнида бевосита тушунтириб бера олмайди. Шу сабабли ўқувчиларни мустақил билим олишга, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга, фикрларини эркин баён этишга, мустақил равишда хулосалар чиқаришга ўргатадиган ўқитишнинг янгича технологияларини таълим жараёнига жорий этиш зарурияти туғилди.

Илғор янги педагогик технология "Ўқитувчи-таълим-ўқувчи" тамойилига асосланиб, унда ўқувчи субъектга, яъни таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланиб, унга ўзи изланишига, мушоҳада юритишига шароит яратиб берилади. Бунда ўқув дастури ва дарслик шу жараённинг бевосита ташкилотчиси, ўқитувчи эса мазкур мураккаб жараённи моҳирлик ва идрок билан бошқариши керак.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг барча ўқувчилар томонидан тўла-тўкис бажарилишига, таълим самарадорлигини оширишга эришиш учун янги педагогик технологияларни излаш, янгиларини яратиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Бу борада кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган. Янги педагогик технологияларни излаш ва яратиш мақсадида хорижий ва мамлакатимизда қўлланилаётган ва самара бераётган илғор педагогик технологиялар, уларнинг ўқув-услубий базалари, алгоритмлари ўрганилди.

Республика таълим марказида хорижий мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ҳамда уларда қўлланилаётган илғор педагогик технологияларни ижодий ўрганиш асосида дарсликларнинг янги авлодини яратишга киришилди. Жумладан, 5-синф учун "Инглиз тили", "Ассалом ДОЙЧ", 8-синф учун "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари", "Иқтисодий билим асослари" дарсликлари хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда янги педагогик техологиялар асосида яратилди.

Республика таълим маркази, жойлардаги педагогик ходимлар малакасини ошириш институтлари томонидан ўрганилган ва танланган турли хил илғор педагогик технологиялар таълим жараёнига татбиқ этилган. Амалиётга тавсия этилган янги педагогик технологиялардан "Дастурлаштирилган таълим технологияси", "Муаммоли ўқитиш технологияси", "Ўйин-дарс технологияси", "Коммуникатив ўқитиш технологияси", "Жадаллаштириб ўқитиш технологияси" таълим-тарбия самарадорлигини оширишда юқори натижалар бермоқда. Дастлабки йиғилган маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда республикада минглаб ўқитувчилар янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этган.

Таълим жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва уларнинг самараси Бухоро вилояти мисолида атрофлича, бошқа вилоятларда эса саволнома тарзида ўрганиб чиқилди. Натижаларга кўра, ўқитувчилар янги педагогик технологияларни қўллаб-қувватлабгина қолмасдан, уларнинг ўзлари ҳам ўқитишнинг янгидан-янги илғор технологияларини кашф этиб, тажриба-синовдан ўтказиб оммалаштирмоқдалар.

Бухоро вилоятида янги педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш бўйича муайян ишлар олиб борилаётганлиги эътироф этилди. Вилоятда 20 та мактабгача таълим муассасасида илғор педагогик технологиялар қўлланилмоқда. Жумладан, Ғиждувон туманидаги 6-болалар боғчасида Монтессори усулини қўллаб, машғулотлар ўтказилиши натижасида ўрта гуруҳда 75-78 фоиз, катта гуруҳда 85-90 фоиз, мактабга тайёрлов гуруҳида 92-95 фоиз болалар Давлат талаблари асосидаги "Учинчи минг йиллик боласи" таянч дастурини тўлиқ ўзлаштирганликлари аниқланди.

Бухоро шаҳридаги 51-сонли болалар боғчасида ИМЕН (ихтировий масалаларни ечиш назарияси) методикаси қўлланилмоқда. Ушбу усулда болаларнинг тасаввурлари кенгаяди, луғат бойликлари ошади, ижодий фикрлаш доираси кенгаяди, мантиқий тафаккури шаклланади, шахсий фикрини ифода этиш қобилияти ўсади, муаммоли вазиятларни мустақил равишда ҳал этиш йўлларини излаб топишга ўргатилади.

Вилоят бўйича 200 га яқин ўқитувчи илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтмоқда. Жумладан, Қоракўл туманидаги 1-сонли иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси Н.Аҳмедова "Муаммоли ўқитиш технологияси"ни, Пешку туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Р.Жабборов "Ривожлантирувчи таълим технологияси"-ни, Ромитон туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси Қ.Ҳакимов "Адабий ринг технологияси"ни, Бухоро шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси Б.Қобилова "Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси"ни дарс жараёнига қўллаб, юқори самарага эришмоқдалар. Илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб ташкил этилган дарсларда Давлат таълим стандартлари талаблари тўлиқ бажарилиши билан биргаликда 80-85 фоиз сифат кўрсаткичларга эришилмоқда.

Вилоят Педагог ходимлари малакасини ошириш институтида ташкил этилган "Ахборот, нашриёт ва илғор педагогик тажрибалар" бўлими томонидан янги педагогик технологиялар асосида иш олиб бораётган ўқитувчиларнинг 415 йўналишдаги дарс ишланмалари, шунингдек, 346 соатлик очиқ дарслари видеотасмага ёзилиб, улардан малака ошириш курсларида кенг фойдаланилмоқда. Институт ўқув режасига киритилган 156 соатлик машғулотларнинг 24 соати янги педагогик технологияга ажратилган.

Институтда янги информацион технологияларни қўллаш бўйича математика, физика, кимё, биология, тасвирий саёҳат ва чизмачилик фанлари учун қисқа муддатли курслар ташкил қилиниб, унда 72 нафар ўқитувчи таълим олган. Улар кўрсатилган фанлар бўйича мавжуд ўқув-педагогик дастурлардан фойдаланиб дарс ўтмоқдалар. Вилоятда ҳар йили "Компьютерлар учун яратилган ўқув-методик адабиётлар ва педагогик дастур воситалари" кўрик-танлови мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Кўрик-танлов ғолиблари Республика босқичида қатнашиб, 1998 йилда 3-ўринни, 1999 йилда 1- ва 3-ўринларни, 2000 йилда 1- ва 2-ўринларни, 2001 йилда 2-ўринни эгаллашган. Ғолибларнинг ишлари барча IBM маркали компьютер билан жиҳозланган мактабларда қўлланилмоқда.

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишда Республика таълим маркази, А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ ва хорижий мамлакатлар ташкилотлари томонидан ташкил этилган махсус курслардан ўтган тренерлар фаолиятининг ижобий таъсири ва самараси Бухоро вилоятида яққол кузатилмоқда.

Юқорида баён қилинган ижобий ишлар билан бир қаторда таълим жараёнига янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича бир қатор муаммо ва ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Вилоят малака ошириш институтида мактабгача таълим ходимлари учун янги педагогик технологиялар бўйича махсус курс ташкил этилмаган. Янги педагогик технологиялар бўйича махсус курсдан ўтган мактаб ўқитувчиларининг кейинги фаолиятини таҳлил қилиш, ўқилган курс самарасини аниқлаш йўлга қўйилмаган.

Вилоят халқ таълими бошқармасида таълим жараёнига ўқитишнинг янги педагогик технологиялари жорий қилинишини бошқариш, мувофиқлаштириш ишларида камчиликлар мавжуд. Мазкур масала бошқарманинг ҳайъат мажлисида 3 марта кўрилганига қарамай, унинг жорий этилиши, илғор ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш масалалари етарли даражада назоратга олинмаган.

Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича яна бир масалага эътиборни жалб қилиш жоиздир. Хорижий мамлакатларнинг илғор педагогик технологияларидан ижодий фойдаланиш баробарида маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда ўзимизнинг олим-методистларимиз томонидан ҳам янги педагогик технологиялар ишлаб чиқилишига эътибор қаратиш лозим эди. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида ҳам янги педагогик технологиялар устида тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган олимлар бор. Лекин улар ҳанузгача янги педагогик технология нима, деган савол атрофида матбуотда илмий баҳс юритиш билан чекланмоқдалар. Мактабга эса илмий асосланган, тажриба-синовдан ўтказилган ва амалиётга тавсия этилган туркум янги педагогик технологиялар керак.

Ҳайъат мажлисида таълим жараёнига ўқитишнинг янги педагогик технологияларини жорий этиш аҳволини яхшилаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Кенгайтирилган ҳайъат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

**Акбар БАҲРОМОВ,**
**Халқ таълими вазирлигининг Матбуот маркази раҳбари**

## Ma'rifat маслаҳатхонаси

**Савол: Қишлоқ ўқитувчилари табиий газдан фойдаланишда қандай имтиёзларга эга?**

**Ҳайитбой Усмонов, Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани 22-мактаб ўқитувчиси.**

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорининг 14-бандива 19-иловасига биноан табиий газ бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар учун янги тариф нормалари қабул қилинган. Ушбу қарор бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўзининг 1999 йил 11 январ 06-03-17/54 сонли хати орқали қуйидагиларни маълум қилади:

а) бир оилага ойига 40 кв.м. иситиладиган майдон учун Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм вилоятида 240 куб.м., Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда эса 220 куб м.газга (бир оиладаги имтиёздан фойдаланувчилар сонидан қатъий назар) имтиёз белгиланган;

б) овқат тайёрлаш учун фойдаланишда:

— марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 9 куб.м. имтиёз белгиланган;

Марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 12,5 куб.м. имтиёз белгиланган;

Шу имтиёзларнинг барчасидан шаҳар ўқитувчилари 50 фоизи ва қишлоқ ўқитувчилари 100 фоиз фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Белгиланган меъёрдан ортиқ фойдаланилган газ учун амалдаги тартибда ҳақ олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорининг 4-бандида:

— "Сув ва газни ҳисобга олиш, приборларини ўрнатиш квартира ва уйларда — квартира ва уй-жойлар мулкдорлари ҳисобига амалга оширилади", дейилган;

— туман марказларида яшовчи педагогик ходимлар барча тегишли имтиёзлардан шаҳар нормалари бўйича фойдаланадилар;

— халқ таълими тизимининг бошқарув органларида ишловчи педагогик ходимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонида белгиланган маиший хизматлар (сув, табиий газ, электр токи ва иссиқлик) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга эмаслар;

— туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида ишловчи ходимлар нафақага чиқиб, иш фаолиятларини тўхтатган ҳолда, педагогик иш стажининг 10 йилдан кам бўлмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлгандагина улар "маиший ва коммунал хизматлари" учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

**Й.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бош мутахассиси**

## ДАРСЛИК МУАЛЛИФИНИНГ ҲИММАТИ

**"Халқ таълими" журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор, "Математика" (5-синф учун) дарслиги муаллифларидан бири Жўра Икромов Хоразм вилояти Боғот туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 4-"А" синф ўқувчиларининг 30 нафарига 5-синф "Математика" дарслигини тантанали тарзда ҳадя сифатида топширди.**

**Шунингдек, тантанали тадбирда Республика маънавият ва маърифат марказининг масъул ходими А.Акмалов, Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан чиқарилган Миллий ғоя ва маънавиятга оид бўлган 45 та рисолани мактаб кутубхонаси ва 4-"А" синф ўқувчиларига топширдилар.**

**МУХБИРИМИЗ**

## БАДИИЙ КИТОБЛАР ҲАДЯ ЭТИШДИ

Aks sado

**Жорий йилнинг 5 май куни "Маърифат" газетасида Бухоро ва Тошкент шаҳар умумий ўрта таълим мактаб битирувчи синф ўқувчиларининг ўқув йил якунида мактаб кутубхона фондига китоб совға қилиш ташаббуси билан чиққанлиги ҳақида хабар қилинган эди.**

**Куни кеча Тошкент шаҳридаги 23-мактаб битирувчилари ҳам тенгдошлари ташаббусларини қўллаб-қувватлашди, яъни улар 100 дан ортиқ бадиий китобларни мактаб кутубхонасига совға тариқасида тақдим этишди.**

**Маросимда ХТВ ходими Ҳ. Ғуломов, ТХТБ ходими Х.Аҳмедова, маҳалла қўмитаси котиби В.Зокиров, туман ХДПнинг иккинчи котиби Ф.Рўзиева ҳамда битирувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва устозлари ҳозир бўлишди. Қисқаси, ушбу маросим битирувчилар ва иштирокчилар қалбида унутилмас бир кунга айланиб қолди.**

**Ойниса НОРБОЕВА**

## САВОБ ИШГА БОШ ҚЎШАМИЗ

Бу ташаббус Олтинкўл туманидаги 49-ўрта мактаб битирувчиларини ҳам тўлқинлантириб юборди.

—Нега бу фикр биздан чиқмади?—деди 11-синф ўқувчиси Муҳаббатхон Ҳожиматова. —Синфдошларимни, қолаверса, барча синф ўқувчиларини савоб ишга бош қўшишга чақираман.

—Мен ҳам бу таклифни маъқуллайман, —сўз олди 9-синф ўқувчиси Мадинахон Садирдинова. —Чунки эсдалик умрбоддир.

Ўтган ҳафтада ўтказилган синфдошлар йиғилишида барча битирувчи ўқувчилар ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашиб, "Битирув кечаси" кунигача мактаб кутубхонасига 65 нусха бадиий китоб ҳадя қилишга аҳд қилдилар.

**Ғуломжон ВОСИЛОВ,**
**Олтинкўл тумани**

## БОЛАЛИК

***Ортингдан чопаман ҳамон боладай,***
***Баҳорин соғинган қирмиз лоладай,***
***Қўшиғим таралар гўё ноладай,***
***Болалик, кетмагин, кетма баҳорим!***

***Ҳар йили лолалар очилар такрор,***
***Мен ўсиб бораман келса ҳар баҳор.***
***Сендан айрилмоқни истамам***
***зинҳор,***
***Болалик, кетмагин, кетма баҳорим!***

**Нодира ХОЛМИРЗАЕВА,**
**Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги Сувон Худойкулов номидаги 15-ўрта мактаб битирувчиси**



***Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 301-болалар боғчасида ўғил-қизларни гўдаклик давриданоқ мусиқа сирларидан воқиф этиб, санъат олами сари етаклашга алоҳида аҳамият берилаётир. Масканда чолғу асбоблари ансамбли ташкил этилган.***

***Суратда: ёш санъат ихлосмандлари ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.***

***Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат***

## ОИЛА - БОЛА УЧУН КЎЗГУ

Tadbir

Ҳар бир касб эгасининг ўз вазифаси, хизмат доираси бор. Бироқ барчага баб-баравар тааллуқли бўлган яна бир соҳа борки, ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу фарзандларимизни тарбиялаш бурчи, уларнинг келажаги учун жавобгарлик масъулиятидир. Ёшлар тарбияси ниҳолга қиёсланади. Ҳақиқатан ҳам ниҳолни тўғри парваришласак тўғри ўсади, қийшиқ ўстирсак, букри бўҳлиб қолади. Тарбия кишини ёмон таъсирдан сақлабгина қолмай, қобилият, билим, ахлоқий поклик сари етаклайди, маънавий камолотга етказади. Қуш уясида кўрганини қилади, дейди доно халқимиз. Бола таълим-тарбияни дастлаб оилада олади. Ҳали тили чиқмаган мурғак қалбга: "Қани, адангга ас салом дегин" деб ўргатамиз. Бола қўлини кўксига қўйиб салом беради. Ана шундай онларда кўнглимиз осмон янглиғ юксалади.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 194-"Умид" болалар боғчасида ТШЎМОИ мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан "Оила шароитида болалар таълим-тарбиясини ташкил этиш" мавзуида шаҳар семинари бўлиб ўтди.

Тадбирда педагоглар, психологлар, ТХТБ услубчилари, мудиралар, тарбиячилар, тажрибали онахонлар, ёш уй бекалари иштирок этдилар.

Семинарда "Болаларни рағбатлантириш — ўзига ишонч замини", "Ҳурлараро тенг бола қалби яшноқ гул-лола", "Хотиржамлик — дадиллик асоси", "Сабр таги — сариқ олтин", "Ҳурмат қилсанг — ҳурмат кўрасан", "Ўринли тапнқид — келажак меваси" мавзулари асосида педагогик ҳолатни ҳао қилишга доир саҳна кўринишлар намойиш қилинди. Мазкур саҳна кўринишларда ёш оилаларда оналарнинг бола тарбияси борасида йўл қўяётган хатолари, нуроний бувижонлар эса ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда набираларига вазминлик, босиқлик билан муаммоли вазиятдан чиқиш йўлларини тушунтиришлари акс эттирилган. Шунингдек, иштирокчилар Гулсара Жалолова (47-боғча прсихологи), Маъсуда Ҳакимова (551-боғча мудираси), Дилбар Умарова (169-боғча мудираси), Маҳмуда Ғаниева (118-боғча мудираси),Саломат Тошпўлатова (432-боғча мудираси), Вазира Ғиёсова (107-боғча мудираси)лар раҳбарлигида ишчи гуруҳларга бўлиниб, семинар мавзуси бўйича ўз фикр-мулоҳазалари асосида услубий тавсиялар билдирилди.

Семинарда ишчи гуруҳларнинг мавзулар бўйича билдирилган услубий тавсияномалари билан танишилди ва ўзаро фикр алмашилди.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

Reyd

## ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

*Ёзги таътил бошланди. Бугун-эрта барча ота-оналар фарзандларининг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, уларни назоратсиз қолдирмаслик мақсадида, таътилга чиққан ўғил-қизларини дам олиш оромгоҳларига, баъзи шаҳарликлар эса қишлоқ жойларидаги қариндош-уруғлариникига жўнатиш пайида бўладилар.*

*Болаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, таътил даврида ҳам уларга тарбиявий билимлар бериш, соғломлаштириш каби бир қатор муаммоларни ечадиган даргоҳлар эса, шубҳасиз оромгоҳлардир.*

*Оромгоҳлар ёз фаслининг уч ойи давомида ҳам болажонларнинг шодон қийқириқларига, беғубор кулгуларига тўла бўлади.*

*Оромгоҳлар фақатгина дам олиш, вақт ўтказиш учун ишламайди. У ерда бўлган таътилдаги ўқувчилар дўст ортирадилар, оромгоҳлар қошида ташкил этилган турли тўгаракларда ҳунар ўрганадилар, билим оладилар. Ҳар куни чўмилиш болаларни жисмонан соғлом, бақувват қилса, турли ҳудудларга саёҳат қилиш эса дам олувчиларга ўлкамиз табиатини ўрганиш, хилма-хил гиёҳлар билан танишиш имконини беради.*

*Айни шу кунларда оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, болаларни кутиб олиш учун барча зарур асбоб-анжомларни тахт қилиб қўйиш барча мутассаддиларнинг энг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак. Жойларда мавсум очилишига қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Оромгоҳларда қурилиш-таъмирлаш ишлари нечоғли бажарилди? Дам олиш масканларида таълимий ва тарбиявий ишларни йўлга қўйиш учун тарбиячи ва етакчилар саралаб олиндими?*

*Шу каби бир қатор саволларга жавоб топиш мақсадида, яқинда Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари билан ҳамкорликда Тошкент вилоятига рейд уюштирдик.*

*Аввал Бўстонлиқ туманининг Оқтош қишлоғида жойлашган, Чирчиқ* ***"Ўзбеккимёсаноат" ҳиссадорлик жамияти****га қарашли бўлган "Ҳумо" номли болалар оромгоҳида бўлдик.*

*Ушбу дам олиш маскани табиатнинг хушҳаво бағрида жойлашган бўлиб, оромгоҳ ҳудуди 20 гектарни ташкил қилар экан. 1963 йилдан ўқувчиларни ўз бағрига ола бошлаган бу даргоҳда барча мевали дарахтлар ўсиб ётибди.*

*Биз оромгоҳ раҳбари М.Мирхаитовдан қуйидагиларни билиб олдик.*

*—Ҳар йили оромгоҳимизда дам олувчи ўғил-қизларимизни кутиб олиш, уларга намунали хизмат кўрсатиш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил қилиш мақсадида ушбу даргоҳ таъмирланади. Болалар учун керакли бўлган идиш-товоқ, стол-стул, ўрин-кўрпалар олинади. Бу йил ҳам биз оромгоҳ таъмирини апрель ойиданоқ бошлаб юбордик. Энг аввал 12 нафар тарбиячи ва шунча етакчи, жисмоний тарбия раҳбарини Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими билан келишган ҳолда ишга қабул қилдик. Улар "Семурғ" оромгоҳида бўлган семинарда қатнашиб, мавсум давомида ўзларига керак бўладиган маълумотлар билан тўлиқ танишиб чиқишди.*

*Шу кунгача ошхона, ётоқ хоналари тўлиқ таъмирланди, биринчи мавсумни 15 июнга очишни мўлжаллаганимиз учун, оромгоҳдаги мавжуд иккита чўмилиш ҳавзаси, ювиниш хоналарини, кўриб турганингиздек, таъмирламоқдамиз. Бош ҳомийимиз бўлган "Ўзбеккимёсаноат" ҳиссадорлик жамияти саккиз миллион сўмга яқин таъмирлаш ишларини бажарди. 600 жуфт, 1 миллион 800 минг сўмга ўрин-кўрпалар олинди. 1000 та ошхона жиҳозлари сотиб олдик.*

*Оромгоҳимиз уч мавсум ишлайди. Ҳар мавсумда 360 нафар қоракўзни бағримизга сиғдира оламиз. Оромгоҳ ҳудуди катта майдонда жойлашганлиги ва барча мевали дарахтларнинг борлиги жуда яхши. Чунки дам олувчи болаларга мана шу мевалардан тортиқ қиламиз, компотларни ҳам ўзимизнинг боғда пишган мевалардан тайёрлаб берамиз. Ҳозирча энг қийин бўлган муаммоларни ечдик, деб ўйлайман. Оромгоҳ йўлакларини текислаш, майдончаларни турли мавзудаги, болаларимизнинг маънавий онгини ўстиришга хизмат қиладиган чақириқ ва плакатлар билан безаш ишларини 1 июнгача якунлаймиз. Ўтган йилининг таътилида Оролбўйи ҳудудларидан келган 400 нафарга яқин ўқувчилар оромгоҳимизда ўз тенгдошлари билан ҳордиқ чиқаришган эдилар. Бу мавсумда ҳам Оролбўйи болаларини оромгоҳимиз қучоқ очиб кутиб олади.*

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани адир ва тоғли ҳудуд бўлганлиги ва бу туманда об-ҳавонинг ўзига хослиги, киши кўнглига ҳузур берадиган шабада, шарқираб оқаётган булоқ сувлари бу ҳудудда дам олиш масканларини ташкил қилишни ўз-ўзидан тақозо қилади. Чирчиқ темир-бетон ва конструкция заводи меҳнаткашларининг болалари ҳам шундоқ тоғ бағрида жойлашган 165 ўринли "Гўзал" оромгоҳида дам оладилар. Бу оромгоҳда ҳам қисман таъмирлаш ишлари тугатилган, ошхона, ётоқхоналар, тиббиёт хонаси мавсумга шай қилиб қўйилибди. Оромгоҳ ҳудудини тозалаш, ётоқ хоналарига парда илиш, кутубхона ташкил этиш, биринчи мавсум учун тўгараклар иш жадвалини ишлаб чиқиш, оромгоҳда мавжуд бўлган 2 та кичик ва катта ёшдаги болалар учун мўлжалланган чўмилиш ҳавзасини таъмирини тугатиш қолибди. Бу оромгоҳда болалар учун керак бўладиган барча шароитлар, футбол, волейбол майдонлари, 3 турдаги аттракционлар, рақс майдончаси борлиги кишини қувонтиради. Бу оромгоҳни мавсумга тайёрлаш учун қайта таъмирлаш ишларига 6 миллион сўм маблағ сарф этилибди. Бу ерда, мана, уч йилдан буён "Болалар ҳуқуқлари" конвенцияси бўйича БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари, Республика болалар жамғармаси билан ҳамкорликда суҳбатлар, кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Бу йил ҳам оромгоҳ қошида очилган 4 та тўгаракдан ташқари яна кўпгина учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказиш режалаштирилган.*

*Ғазалкентдан беш-олти километр баландликда жойлашган Қорамозор қишлоғида "Қийин эрувчи ва ўтга чидамли қаттиқ қоришмалар" комбинатининг ишчи-хизматчилари фарзандлари дам оладиган "Гулзор" номли оромгоҳ жойлашган. Бу оромгоҳ 1978 йилда ташкил топган. Бу ерда бир мавсумда 360 нафар бола дам олади.*

*Биз оромгоҳга борган куни комбинат бош директори Фар-ҳод Ташметов ҳам оромгоҳда олиб борилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечириш учун борган экан.*

*—Комбинатимиз санацияга тушган корхоналардан бири. Аслида санацияга тушган ташкилотнинг четга ортиқча бир сўм сарфлашга ҳаққи йўқ. Лекин шундай бўлса-да, биз фарзандларимизнинг ёзги таътилда бўш қолмасликларини, улар таътилда бўлса ҳам тарбиянинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Бекобод металлургия комбинати билан ҳамкорликда мана шу оромгоҳни болалар ихтиёрига беришни лозим топдик. Бугунги кунда комбинатимизда 2023 нафар ишчилар хизмат қилаётган бўлсалар, уларнинг ўрта ёшли фарзандлари, яъни 1-синфдан 8-синфгача бўлган, оромгоҳда дам оладиган болалари 1000 нафардан зиёд. Биз иложи борича барча болаларни оромгоҳга жалб қилиб олмоқчимиз. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардим, биз комбинат ҳисобидан вилоятимиз "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланаётган 80 нафар, Тошкент шаҳри "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланаётган 10 нафар болаларни оромгоҳимизга дам олишлари учун таклиф қилмоқчимиз. Шу кунгача 8 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. 700 литр пол, девор бўёқлари сарф қилинди. Бу суммага Бекобод металлургия комбинати сарфлаган харажатлар кирмайди.*

*Ошхона жиҳозлари янгиланди, болаларни витаминга, янги ва дармондориларга бой бўлган озиқ-овқатлар билан таъминлаш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги "Келажак", "Толе" каби бир қанча фирмалар билан шартномалар туздик. 12 миллион сўмлик озиқ-овқатларни Бекобод металлургия комбинати олиб келади. 1 миллион сўмлик гуруч, гречка, макарон, шакар, ўсимлик ёғини, яъни айнимайдиган озиқ-овқатларни олиб, омборларга жойлаб қўйдик.*

*Бир мавсумда 12 та гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳда 35-36 нафардан бола дам олади. Бундан ташқари, биз ҳам Тошкент вилоятига дам олиш учун келадиган Оролбўйилик болаларнинг маълум қисмини қабул қиламиз.*

*Бу оромгоҳ ҳудудида ҳам қилиниши керак бўлган бир қатор ишлар борлигининг гувоҳи бўлдик. Лекин бу ишлар мавсум очилишига қадар ниҳоясига етади, деб умид қиламиз.*

*Болаларнинг дам олиш баробарида ҳунар ўрганишлари, тарбия олишлари ўша ерда хизмат қилаётган тарбиячи ва етакчилар маҳоратига, уларнинг иш тажрибасига боғлиқ. Ўйлаймизки, бу борада ҳам халқ таълими дам олиш масканларига муносиб мурабийлар тавсия этилган.*

*Ушбу рейдимиз яна давом этади. Тарбия инсон ҳаёти учун энг муҳим омил экан, уни таътилда ҳам тўхтатиб бўлмайди. Оромгоҳлар эса, шубҳасиз тарбия масканларига айланади.*

**Шарифахон МАДРАҲИМОВА,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

